6/2022,
noyabr-
dekabr
(№ 00062)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

Астанакулов Олим Таштемирович
и.ф.д., доц.,Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Ислом иқтисодиёти ва молияси” кафедраси мудири. Тошкент, Ўзбекистон. astanakulov@gmail.com

Асатуллаев Хуршид Сунатуллаевич
и.ф.н., проф.Тошкент молия институти “Иқтисодиёт” кафедраси мудири. Тошкент, Ўзбекистон. asatullayev75@mail.ru
DOI: *https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a8*

Аннотация
Мақола Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишга эришишда инвестициялар ўрни ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигига таъсирига бағишланган. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга боғлиқлик даражаси ва аҳоли турмуш фаровонлигини тавсифловчи аҳоли даромадлари ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётга қўшаётган улуши амалий таҳлили келтирилган.
Калит сўзлар: инвестициялар, иқтисодий ўсиш, капитал, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш фаровонлиги.

Аннотация
Статья посвящена роли инвестиций в достижении экономического роста в Республике Узбекистан и их влиянию на благосостояние населения. Также представлены качественные показатели экономического роста, степень зависимости инвестиций от экономического роста и доходов населения, характеризующие благосостояние населения и их вклад в экономическое развитие.
Ключевые слова: инвестиции, экономический рост, капитал, валовой внутренний продукт, экономический рост, благосостояние населения.

Abstract
The article is devoted to the role of investments in achieving economic growth in the Republic of Uzbekistan and its impact on the well-being of the population. Furthermore, qualitative indicators of economic growth, degree of dependence of investments on economic growth and population incomes describing the well-being of the population and their contribution to economic development are presented.
Keywords: investments, economic growth, capital, gross domestic product, economic growth, welfare of the population.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг катта муаммолардан бири - бу миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш муаммосидир. Лекин, иқтисодий ўсишни таъминлаш анча мураккаб жараёнлардан бири бўлиб унга эришиш давлат томонидан қатор чора тадбирларни амалга оширишни ҳамда унинг барқарор ўсишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишни тақозо этади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, биринчи навбатда иқтисодий ўсишга эришишда аввало реал сектор иқтисодиётига инвестицион русурсларни жалб этиш ҳамда уларнинг самарали фойдаланишини ташкил этиш ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган[15].

XXI аср бошларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу тўртинчи саноат инқилоби (Industry 4.0) бўлиб, у янги авлод ахборот технологиялари асосида ишлаб чиқариш соҳасида тубдан янги ўзгаришларни назарда тутади. Бироқ, саноат инқилобининг ўтган даврлардаги ўзига хос хусусиятлари дунёдаги экологик ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти бевосита “яшил” омилларга боғлиқлиги кўринмоқда. Иқлим ўзгаришлари ва уларнинг оғир оқибатлари дунё аҳолиси турмуш фаровонлигига ҳамда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига катта хавф туғдиришини олдини олишга қаратилган устивор йўналишлар белигилашни тақозо этади. Бу ўз навбатида глобал экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадилда иқтисодиётнинг муҳим секторларидан бўлган қишлоқ хўжалиги, энергетика, инфратузилма ва соғлиқни сақлаш соҳаларини тубдан модернизациялаш жаарёнини тезлаштириш зарурулигини кўрсатади [1] Swiss Re Institute ҳисобот маълумотларига кўра яқин 30 йилга келиб дунё иқтисодиёти 18 фоизга қисқариши мумкин [2].

Дарҳақиқат, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлашти-риш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир [4]. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўрнини яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади, меъёрий-ҳуқуқий базаси ҳисобланади. Бу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 609-I сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 611-I сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 719-I сонли қонуни ва бошқа бир қанча меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди. Янги қонуннинг 3-моддасида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва тартиблари ҳақида ва инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф берилган. “Инвестиция сиёсати – Ўзбекистон

Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи”дир белгилаб қўйилган[15]. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарорида республикада хом ашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган[16]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, охирги йилларда инвестициялар ва уларни самарали жалб қилиш ҳамда шу орқали аҳоли турмуш фарвонлигини таъминлаш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, мазкур масала нафақат хориж иқтисодчи олимларини балки махаллий иқтисодчи олимларни ҳам диққат марказида бўлиб айнан мана шу мавзунинг айрим қирралари илмий тадқиқотларда ҳамда нашр қилинган адабиётларда ўз аксини топган.

Махаллий иқтисодчи олимларимиздан А.Маматов, Т.Жўраев ва А.Хуррамовлар томонидан нашр қилинган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс сарфлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади” [12], деб кўрсатилади. Шунингдек, уларнинг фикрича “инвестициялар ишлаб чиқариш қуватларини кенгайтиришга ва айланма капитал ҳамда моддий захираларга пул шаклидаги қўйилмадир. [12]”

Ўлмасов ва А. Вахобовларнинг фикрларича, “Иқтисодий ўсиш – бу иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётий неъматлар бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир. Иқтисодий ўсиш одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан ўлчанади [12].

Махаллий олимларимиздан Ҳ.Абдулқосимов ёндашуви кўра “Иқтисодий ўсиш” – бу мамлакат иқтисодиёти муайян давр мобайнида (одатда бир йил) миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ёки умумий иқтисодиётга нисбатан ортишидир [5]. А. Набихужаев, Ю. Шеров П. Султоновларнинг фикрича “Иқтисодий ўсиш - аҳоли жон бошига мамлакатда яратилган ЯИМ ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши орқали ифодаланишини таъкидлаб ўтганлар. Уларнинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: жорий йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички махсулот (ЯИМ) аввалги йилга нисбатан кўпроқ бўлиши. ЯИМнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши, яъни киши бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг кўпайиши” [8].

Шунингдек махаллий иқтисодчи олимлардан бир гуруҳи иқтисодий ўсишни ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда инвестицияларнинг ўрни ҳамда инновацион фаолликни эришишдаги масалалари ҳам ўрганилган. Д.Ғозибеков, Э.Носиров илмий изланишларида инвестицион салоҳиятни оширишда солиқ юкини

камайтириш, фонд бозорлари ўрнини кескин ошириш, хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш тадбирлари самарали амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этилади[7].

Ф.У.Умаров тадқиқотларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади[13]. А.Бурханов тадқиқотлари орқали ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилиб, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муаммоли жиҳатлари асосланган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган[6].


Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани ёритишда статистик, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, абстракт мантиқий таҳлил, аналитик таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ўрни таҳлиллар асосида аниқроқ ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш, ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий ўсишни таъминлаш иқтисодиёт назариясида одатда миллий иқтисодиёт учун табиий аҳамиятга эга бўлган бир йил давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, асосий мақсади бўлиб, инсон туб манфаатларини рўёбга чиқаришга, аҳоли турмуш даражаси, сифати ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, унинг иқтисодий базиси ҳисобланади.

Мамлакатимизга жалб қилинган асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини қуйидаги 1-расм маълумотларига қараб таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида 2000-2021 йиллар мобайнида иқтисодий ўсиш суръатлари асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари билан боғлиқ равишда ўсиш тенденциясига эга бўлган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000-2021 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиш тенденциялари (фоизда) [19]


Таҳлилимизни янаям аниқ асосий капиталга киритилган инвестициялар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги тафовут боғлилиқ суръатларини (I-K_{as}) таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

1-жадвал

Иқтисодий ўсиш ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ўртасидаги тафовут боғлиқлик тенеденцияси (*фоизда*)

Кўрсаткич	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
тафовут боғлиқлик тенденцияси	1,4	0,0	-0,1	-4,0	0,0	-16,7	-26,4	-34,4	4,3	2,4

Агар 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши ўртасидаги тафовут боғлилиқ суръатлари мос равишда 2000 йилда 1,4 фоиздан 2021 йилга келиб бу боғлиқлик суръати 2,4 фоизга ошган. Лекин, бу кўрсаткичлар аниқ боғлиқлик даражаси иқтисодий ўсишга эришишда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар омилини тўлиқ белгилаб бермайди. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги беш йил ичидаги ўсиш суръатлари ичида мос равишда 2017 ва 2019 йиллардага тафовут боғлиқлик даражаси 16,7 фоиз ва 34,4 фоизлик даражаси аҳоли жон бошига ЯИМнинг 2017 йилга нисбатан 2018 йил 1,2 фоизга, 2019 йил эса 0,2 фоизга ўсишини таъминлаган. Таҳлил қилинадиган боғлиқлик чегарасига янаям чуқурлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг статистик прогнозлаштириш ва иқтисодий математик услублар орқали ёндашишни тақозо этади.



2-расм. Ўтган йилларга нисбатан аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари (фоизда) [19]

2-расмда, ўтган йилларга нисбатан аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари келтирилган. Аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари мос равишда 2015, 2017 ва 2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Covid-19нинг глобал пандемияси ўтган йилга нисбатан ЯИМнинг 3,8 фоизга қисқаришига сабаб бўлган.

“Самарали меҳнат учун зарур шарт-шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир”[3; 4; 15].

Маълумки, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар изчил равишда ўсиб боргани яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда ошиб бормоқда.

2-жадвал


2010-2021 йилларда республика аҳолиси даромадлари, иш ҳақи ва пенсиялар тўғрисида маълумот [19]

Кўрсаткичлар	2010	2017	2018	2019	2020	2021
Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	**62631,6**	**236893,1**	**300842,7**	**365735,6**	**415085,0**	**515660,7**
ўтган йилга нисбатан, % да	132,9	119,7	127,0	121,6	113,5	124,2
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	**2192,8**	**7314,1**	**9128,6**	**10891,3**	**12125,6**	**14769,0**
ўтган йилга нисбатан, % да	129,2	117,7	124,8	119,3	111,3	121,8
Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	**58229,4**	**216400,1**	**255971,0**	**319336,1**	**367559,6**	**465271,8**
ўтган йилга нисбатан, % да	123,6	109,3	108,1	106,1	100,5	112,1
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	**2038,7**	**6681,4**	**7767,0**	**9509,6**	**10737,3**	**13325,8**
ўтган йилга нисбатан, % да	120,1	107,5	106,2	104,2	98,6	109,9

2-жадвал келтирилган маълумотларга кўра, 2010-2021 йилларда аҳоли умумий даромадлари йилда йилга ўсиб бориш тенденциясини қайд этган. Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар мунтазам равишда ошиб борган ва 2010 йил маълумотлари бўйича даромадлар 2021 йилдаги даражасига нисбатан 6,7 марта реал ошган. Маълумки, пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо

бўлди. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари таркиби,% да [19]

2021 йил ҳолатига кўра Республика ҳудудидидаги аҳолининг умумий даромадлари ўтган йилга нисбатан 24,2 фоизга ўсиб 515,7 трлн.сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, реал даромадлар ушбу давр модайнида 12,1 фоизга кўпайиб, 465,3 трлн.сўмни ташкил этди. Аҳоли даромадлари турлари бўйича бирламчи даромадлар 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 21,3 фоизга ўсиб, 379,8 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, трансферт даромадлари 33,1 фоизга кўпайиб, 135,9 трлн.сўмни ташкил этди. Даромадлар таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар улуши 2020 йилдаги 75,4 фоиздан 2021 йилда 73,6 фоизга камайган. Трансфертлардан олинган даромадлар улуши мос равишда 24,6 фоиздан 26,4 фоизга ортган. Шунингдек, бирламчи даромадлар таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар (368,5 трлн. сўм) ва мол-мулкдан олинган даромадлар (11,3 трлн. сўм) улуши ўзгармаган ва мос равишда 97 ва 3 фоизни ташкил этган.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади. 2021 йилнинг январ-декабр ойлари маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 133,1% ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 26,3 % ни ташкил этди. 2021 йилда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 121,0 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 77,8 % улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди. 2020 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 115,7 % ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,1 % га ўсиши имконини берди.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида инвестициялар миллий

иқтисодиётнинг тараққиётга эришиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаши муҳим ҳисобланади. Фикримизча мамлакатимизда бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналар молияси, уларнинг фойда ва зарари тахлиллари амалга оширилиб уларни инвестициялар орқали модернизациялаш кўламини кенгайтириш;

иқтисодиёт тармоқларида қўшимча қиймат ярата олмайдиган корхоналардан воз кечиб давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларини хусусий секторга тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар бериш орқали шакллантириш;

инвестицияларни республикамизнинг камабағаллик даражаси юқори бўлган худудларга самарали жойлаштириш ишларини амалга ошириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига таъсир қилувчи аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг сифат кўринишида камабағалликни қисқартириш туради. Шундай экан, аҳоли камбағаллигини баҳолаш ва уни чегаралаш мезонларини бевосита камбағаллик даражасини инвестициялар кўрсаткичларига боғлаб таҳлилий ишларни амалга ошириш ҳамда юқорида келтирилган таклифларни амалда қўллаш ижтимоий муаммоларнинг хал бўлишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Laijun Zhao, Jieyu Liu, Deqiang Li, Yong Yang, Chenchen Wang, Jian Xue, China's green energy investment risks in countries along the Belt and Road, Journal of Cleaner Production, 2022, 134938, ISSN 0959-6526, https://doi.org/10.1016/j.jclepro. 2022.134938. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0959652622045115

2. The Swiss Re Institute (2021). World economy set to lose up to 18% GDP from climate change if no action taken, reveals Swiss Re Institute’s stress-test analysis.

3. Vicard, V. Profit Shifting, Returns on Foreign Direct Investments and Investment Income Imbalances. IMF Econ Rev(2022). https://doi.org/10.1057/s41308-022-00178-4

4. Astanakulov, O., Asatullaev, K., Saidsaidaxmedova, N., & Ergashev, O. (2019). Strategic Support for Accounting for the Investment Process in the Innovation Industry. Journal of Advanced Research In Law And Economics, 10(6), 1877-1883. (Scopus) Retrieved from https: // journals. aserspublishing. eu/jarle/ article/ view /4977.

5. Абдулқосимов Ҳ. Макроиқтисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. Т.: Akademiya, 2011 й.

6. Бурханов А. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш-миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили. Biznes-Эксперт, 2018 йил. №10.,7-13 бет

7. Ғозибеков Д, Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: “Iqtisod-Moliya”. 2007, -Б.92

8. Набихужаев А., Шеров Ю., Султонов П. Макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. № 2, 2011.

9. Россинская, Г. М., Фомина, Е. А., & Ходковская, Ю. В. (2021). Развитие социального предпринимательства как фактор устойчивого экономического роста в регионе. Экономика и управление: научно-практический журнал, (4), 88-92.

10. А.Маматов, Т.Жўраев, А.Хуррамов “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси. Ҳарбий техника институти. 2020. – 271 бет , 2 чиси 271- бет

11. .Маматов, Т.Жўраев, А.Хуррамов “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси. Ҳарбий техника институти. 2020. – 271 бет , 2 чиси 260- бет

12. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:Iqtisod-Moliya, 2014.

13. Умаров Ф.У. Инновацион-инвестиция фаол тадбиркорликнинг муҳим омили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил

14. Ускова, Т., Смирнова, Т., Воронцова, Т., & Лукин, Е. (2022). Проблемы экономического роста территории. Litres.

15. Широв Александр Александрович, Узяков Марат Наильевич, & Узякова Елена Сергеевна (2022). Перераспределение первичных доходов населения как фактор снижения неравенства и ускорения экономического роста на региональном уровне. Экономика региона, 18 (2), 423-436.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).

17. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарори.

18. http://group-global.org. Мировое экономическое положение и перспективы, 2017 год Организация Объединенных Наций Нью-Йорк, 2017.

19. www.stat.uz турли йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламларига таянилган ҳолда муаллифлар томонидани ишлаб чиқилган.